



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 7 сентябр, сешанба № 145 (1778)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Мустақиллик кунини муносабати билан Сизни, ҳукуматингиз ва бутун Ўзбекистон халқини самимий қутлаш менга гоё катта мамнуният бахш этади.

Ҳозирги авлод - қашшоқликни тугатиш учун зарур билимлар, технологиялар ва захираларга эга бўлган биринчи авлоддир. Бунинг учун бизга тайёр мақсадли ҳужжат - Минг йиллик декларацияси мавжуд. Шунингдек, бизда БМТ сингари ташкилотлар ҳам борки, улар бу ишда ёрдам беришга тайёрдирлар. Келинган, асримизни таҳдидлар даврига деб эмас, балки биз узок вақт интилиб келган мақсадларга эришиш учун янги имкониятлар дари деб ҳам қабул қилайлик. Келинган, айни шундай байрат билан ишга киришайлик ҳамда мана шу муҳим ташаббус учун зарур бўлган сиёсий ирода ва захираларини сафарбар этайлик.

Тараққиёт ва тинчликни қўлга киритишдан иборат муштарак жаҳоншумул миссияни адо этишда Ўзбекистон ҳукумати ва халқи билан яқин ҳамкорлик давом этишига астойдил ишонман. Сиз учун бағоят шонли бўлган Миллий байрам муносабати билан энг эзгу тилакларимни қабул этгайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Кофи АННАН, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизгин қутловларимни ҳамда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, шунингдек, мамлакатингиз ва унинг халқига фаровонлик ва раванқ тилаб билдираётган самимий истакларимни изҳор этман.

Пумино АДУЛҲАД (Рама IX), Таиланд Қироли

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни ҳамда шахсан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, мамлакатингиз ва халқингизга эса раванқ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни яна изҳор этиш менга гоё катта мамнуният бахш этади.

Ҳожи Ҳасанал БОЛКИАХ, Бруней - Доруссалом Султони

ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида юз берган фожиа жаҳон ахлини ларзага солиди. Бу муҳим воқеа террор балосининг мамлакат, миллат, ёш танламаслигини яна бир марта кўрсатди. Юзлаб гўдаклар, ўн гулдан бир гули очилмаган йигит-қизлар - мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, ота-оналар террор қурбони бўлди.

Шу муносабат билан Россияда 6-7 сентябр кунлари мотам кунлари деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 6 сентябр кунини Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчионасига таширф буюрди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи ва ҳукумати номидан қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига, Россия халқи ва ҳукуматига чуқур ҳамдардлик билдирди. Элчичонанинг Тазвия китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдириди.

Шимолий Осетиядаги террорчилик туфайли ўз яқинларидан айрилганларга ва жабрланганларга таскин-тасалли бериш, таъзия изҳор этиш учун сўз топиш қийин, - деди Ислон Каримов. - Бесланада юз берган воқеаларни кузатишнинг ўзи жуда оғир. Террор қулфати халқимизнинг ҳам бошига тушган. Шу боис бутун мамлакатимиз ахли Россия халқи билан ҳамдард.

Президент Ислон Каримов Россиянинг мамлакатимиздаги Факулдада ва мухтор элчиси Фарит Муҳамметшин билан суҳбатда Ўзбекистон Россия билан ҳамма - яқин кунларда ҳам, мусибатли давларда ҳам бирга эканлини таъкидлади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун

юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини

такомиллаштириш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 мартдаги 150-сон қарори билан тизилган Махсус комиссия томонидан қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалаларида тартиб ўрнатиш юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

2004/2005 ўқув йилида қишлоқ хўжалиги соҳаси олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиниши режалаштиришда Махсус комиссиянинг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини такомиллаштириш бўйича тақлифлари ҳисобга олинган - 28 бакалаврият йўналишидан 10 йўналишга ўзгариштириш киритилди ва 7 мутахассислик бўйича талабалар қабул қилиш тўхтатилди. Шу билан бирга 7 янги истиқболли мутахассислик киритилди. Ҳуқуқнинг янги - фермер хўжалигини бошқариш йўналиши қабул қилинди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ишларнинг аҳолига танқидий баҳо бериш бир қанча камчиликлар ва бузилишлар мавжудлигини кўрсатди, эскирган, ўз дислокациясини йўқотган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш давом этмоқда. Профессор-ўқитувчилар таркибининг малака даражаси замонвий талабларга жавоб берадими. Софиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ходимларининг 28 фоиздан ортиғи, шу жумладан факультетлар раҳбарларининг 44 фоизи ва кафедра мудириларининг

29 фоизи аттестациядан ўтмади. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

бир ой муддатда, Махсус комиссиянинг тақлифларини ҳисобга олган ҳолда, Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари бўйича бакалаврият таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари классификаторига ўзгариштириш киритсин, уларни алоҳида «Қишлоқ ва сув хўжалиги» таълим йўналишига жамласинлар;

таълим йўналишларига қишлоқ ва сув хўжалигининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб тузатишлар киритган ҳолда бакалаврият таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари классификаторини ҳар уч йилда қайта кўриб чиқсинлар; қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларида янгидан жорий этилган - фермер хўжалигини бошқариш мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Ушбу муҳим устувор вазифани ҳал этиш учун: 2004/2005 ўқув йили мобайнида замонвий талабларга жавоб берадиган, фермер хўжалигини юритиш назарисига ва амалиёти билан уйғунлашган сифатли ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқлансин;

ўқувчилар контингенти устун даражада ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўш малакасини контракт асосида оширишга тайёр бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари орасидан танлаб олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти негизида Тошкент ирригация ва мелiorация институти ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қайта ташкил этилган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетини тегишли кафедралар, профессор-ўқитувчилар таркиби сони, талабалар контингенти ва моддий-техник база билан биргаликда Тошкент давлат аграр университетига бериш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар: Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг ташкилий тузилмаси;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус филиали ташкилий тузилмаси; Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ташкилий тузилмаси; Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент ирригация ва мелiorация институти, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, Нукус филиали ташкилий тузилмаси;

лиорация институти, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд ва Андижон қишлоқ хўжалиги институтиларининг уставларини белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари раҳбар ходимларини ва профессор-ўқитувчилар таркибини аттестациядан ўтказсин.

Махсус комиссия (Р.Азимов) Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг ташкилий-кадрлар хизмати билан биргаликда қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларини бошқаришнинг янгидан тасдиқланган тузилмаларини ва аттестация якунларини ҳисобга олган ҳолда раҳбар кадрларни ва профессор-ўқитувчилар таркибини, биринчи навбатда, проректорлар, деканлар, кафедра мудириларини танлашни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари ректорлари билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига факультетлар ҳузурда илмий тадқиқотлар жараёнига қобилиятли талабаларни фаол жалб этган ҳолда аграр фанининг устувор йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот марказлари (илмий-муаммоли лаборатория)

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри, 2004 йил 3 сентябр

лар) ташкил этишга доир тақлифлар киритсинлар.

7. Урта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ ёшларини қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларида ўқишга жалб этиш учун 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари ҳузурдаги академик лицейларнинг ўқувчилари контингенти учун даражада қишлоқ мактабларининг битирувчилари ҳисобига шакллантирсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари талабаларда мустаҳкам касб кўникмаларини шакллантириш, тажриба-ишлаб чиқариш синовлари ўтказиш ва илмий тадқиқотлар натижаларини жорий этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасалари қошидаги ўқув-тажриба хўжаликлари мактабини қайта кўриб чиқсинлар, уларга 300 гектаргача экин майдонини бириктирсинлар.

9. «Истеъдод» жағмармаси (Р.Қошиқов) қишлоқ ва сув хўжалиги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркибининг мақсадли стажировка орқали қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни назарда тутсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

И.КАРИМОВ

УНИВЕРСИДАДА МАШҲАЛАСИ НУР СОЧМОҚДА


Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон талаба ёшларининг «Универсиада-2004» спорт ўйинлари давом этмоқда



Икки ҳафта спорт ишқибозлари диққат марказида бўлган Афина XXVIII ёзги Олимпиадаси якунланганига кўп бўлмади. 202 мамлакат спортчилари орасида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган 69 спортчимиз тенглар ичра тенглигини, дунёнинг манаман деган спортчилари билан бир сафда беллаша олишга қодир эканлини намойиш этди. Александр Доктуришивили юнон-рум кураши бўйича, Артур Таймазов эркин кураш бўйича Олимпиада чемпиони бўлди. Яна бир курашчимиз Магомед Иброҳимовга кумуш медал насиб этди. Боксчиларимиз эса мамлакатимиз медаллар шодасига иккита бронза медали қўшди. Бу муваффақиятлар мамлакатимизда Президент Ислон Каримов ташаббуси билан

спортни ривожлантиришга берилган юксак эътибор самарасидир. Қўҳна Афина ҳаяжони шу кунларда қадимий Самарқандга кўчган. Бу ерда 4 сентябр кунини тантанали очилган «кичик олимпиада» - «Универсиада-2004» муносабати билан қизгин давом этмоқда. Мамлакатимизда учинчи мартада ўтказилаётган ушбу

спорт мусобақалари нафақат унинг қатнашчилари, балки барча ёшларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутди. Зукко ва билимдон, кураш майдонларида тобланган, ирода ва эътиқоди мустаҳкам, беллашувларда чиникқан ёшларни тарбиялаш мамлакатимизда устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу борда юртимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда.



(Давоми 2-бетга)

«Ишонч»га келган мактублардан

ҚОНЛИ ТЕРРОРНИНГ АСЛ БАШАРАСИ

90 ёшли Абдурашид БОБО АСЛОНОВ, Тошкент шаҳри, уруш ва меҳнат фахрийси

Террор, терроризм муаммоси халқаро жамоатчилигимиз, хур фикрли, эзгу интишти инсонларни қаттиқ ташвишлантириб келмоқда. Кейинги икки-уч ой ичдаёқ халқаро терроризм ва диний экстремизм ўз башарасини яна намойиш қилди. Унга яқин мамлакатларда муҳим ва жиддий ишларини амалга оширдик. Бунинг оқибатида ноҳақ қонлар тўкилди, бегуноҳ кишиларнинг умри ҳазон бўлди. Россияда амалга оширилган террорчилик хуружлари, жумладан, 1- сентябр кунини Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳридаги 1-мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари, ота-оналарнинг гаровга олиниши ва барчаларининг ваҳшиларча азобланиши дунё ҳамжамиятини қаттиқ ғазаблантирди. Ахир, бегуноҳ болаларни қон қақшатган, уларни қийноққа солиб ўлдирган қимсаларни қим деб аташ мумкин? Бундайларга асло шафқат бўлмаслиги керак. Бесланадаги воқеаларни телевизор орқали кузатарканман, ёвузларни нисбатан қалбимдаги нафрат соат сайин кунаярдик. Қани энди имкони бўлса-ю, ёвузларнинг ёқасидан олсам.

Терроризм аталмиш бало-қазодан энди бирин-бир мамлакат холи бўлолмаслиги барчага маълум. Шу боис бу ёвуз кучга, ваҳшийларга қарши биргаликда курашиш лозимлиги янада ойдинлашди. Биз - ўзбекистонликлар қонли террорнинг жирканч башарасини яқини биламиз. Ҳар бир ўтган кунимизга шукр қилиб яшарканмиз, оғоҳу хушёр бўлишимиз, ўз уйимизни ўзимиз қаттиқ туриб асрашимиз зарурлигини қалбдан хиз атаймиз. Ярамаслар ҳеч қачон, ҳеч қаерда ўз ниятларига етолмайдилар.

Собиржон РЎЗИМатов, «Ишонч» махсус муҳбири

Ислоҳот йўлига гов бўлаётганлар

исга учраб, ҳақли талабни қондириш, бу билан кўп жонли оилалар мушкуллини осон этишини сўрашди. Бахтга қарши бюрократ раис бор онангта, бор отангга қабилида иш юрипти. Бу орада мулкдорлар мутасадди идора ва ташкилотларда бўлиб, адолатли қарор топириш учун йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олдилар. Жорий йилнинг май ойида ширкат раиси Худойбердиев томонидан сарсон-сарсон қилинаётганликлари ҳақида ҳокимликка шикоят ёздилар. Масалани текшириш ва адолатли ҳал этиш учун қўрилиш бўйича ҳоким ўринбосари А.Эшмуродов бошлиқ гуруҳ тuzилди. Яқна тартибда уй-жой куриш бошқармаси бош муҳандиси Х.Орипов, туман бош архитектори Р.Солипов ҳам шу тартибда бор эди. Ҳоким ўринбосари А.Эшмуродов изохти: раис билан икки-уч марта юзма-юз мулоқотда бўлди. Мулкдорларнинг иктымий муҳофазасига оид ҳукумат ҳамда маҳаллий ҳокимият қарорлари ижроси қўпол равишда бузилаётганликларини қатъий таъкидлади. Раис оғохлантирилган бўлишига қарамасдан ўз билганидан қолмади. Кўпнинг ишига қўл силтди.

Туман бош архитектори Р.Солиповнинг айтишича, туман давлат мулкчини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Х.Йўлдошев билан ширкатда тўрт марта бўлишган. Тегшли ир участкасини эгаларига ажратиб бериш ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги қайта-қайта уқтирилса-да, хўжалик раҳбари бош тортган. Шу қуйи икки йилдан

БЮРОКРАТ РАИС

туфайли қатор мулкдорлар оворга-ю сарсон бўлишмоқда

бор эди. Янги раҳбарнинг муҳим масалага муносабати, одамларга муомаласи барчани хайрон қолдирди. Парпивоёв ака воқеани шундай изоҳлайди:

Янги раис мулккий ҳуқуқни тасдиқловчи шохадотномага қиё ҳам боқмади. Уй-жой куриш учун ажратилган ерлар юқори банитетли майдонлар сирасига киришини, уларни аукцион савдосига қўйиш ҳуқуқини қарорда ман этилганлигини таъкидлади. Уш қарорни кўрсатишни сўраганимизда жahl қил қил силтди. Ширкат раиси Худойбердиев инсофга келар, деган мақсадда мулкдорлар анчайин сукут сақлашди. Охир-оқибат тоқатлари тоқ бўлиб, 2002 йилнинг апрелида яна унинг хузурига бордилар. Бу гал умумий йўғилиш қароридега меннинг имзоим йўқ, сизларга ер ажратиш ваколатига эга эмасман қабилидаги вақларни айтишдан нарига ўтмади. Хўжаликда қарийб 20 йилдан буён тракторчилик қилаётган Олимжон Маҳмуджонов, фермер хўжалиги бошлиқларидан Фахриддин Абдурахимов, Фарҳоджон Тожидиновлар бот-бот ра-

фарига ширкатга қарашли майдонлардан уй-жой куриш учун ер участкаси ажратилмаган бўлди. Мулкдорлар ўзларига яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан бошлари осмонга етиб, хайрли ишларга киришдилар. Бироқ кутилмаганда хўжаликда раҳбар ўзгарди. Ширкат раислигига Гуломжон Худойбердиев сайланди. Табиийки, 18 нафар мулкдор ўзларига тегишли ер участкаларини ажратилишини сўраб, янги раисга учрадилар. Улар орасида Парпивоёв Алиев ҳам

Вазира САЛОМОВА, уй бекаси

...Бесланадаги мактабдан ярим яланғоч, гоёнда хўрланган, ярадор, оғир аҳволда олиб чиқилган ўғил-қизларни, касалхонада юм-юм йиғилган аёлларни кўриб, эзилиб кетдим. Қанчадан-қанча болаларни, аёлларни ўққа тутган, уларни ваҳшийларча ўлдирганларга шафқат ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Бундай ваҳшийликка қўл урганларнинг ҳам ота-онаси, фарзандлари бормикин? Осмонга тош отсанг, бу тош бир кунмас бир кун элнинг таъки-лангати айланб, ўз бошини ёқди, деган гап бор. Бунга тарихдан мисоллар кўп. Биз ҳам Россия халқи билан ҳамдардимиз.

Фидокор халкимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллигини зўр шоду ҳуррамлик билан нишонлади. Тарихан шу қисқа давр ичида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида асрларга татигулик ишлар рўёбга чиқарилди. Иқтисодий-иқтисодий барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, халкимиз турмуш даражаси ортиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб

бораётгани шу муборак дийрда яшаётган ҳар бир инсонга фахр хис-туйғуларини бахшида этди. Шубҳасиз, барча ютуқлар негизда аввало халкимиз фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, одамларимизнинг онги ва тафаккури, ҳаётга муносабати тубдан ўзгараётгани мўжасам. Бунда ҳаётимиз гуллари бўлмиш хотин-қизларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Давр олдимизга масъулиятли вази-фалар кўймоқда. Улардан бири барча кучларни бирлаштирган ҳолда хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилаш ва жамиятдаги фаолиятлари учун мавжуд бўлган ресурсларни ишга солиш, уларнинг жамиятнинг барча жабҳаларидаги иштирокини фаоллаштириш-дир. Бу давлат, жамоатчилик ва маданий бурилишларида, оилани шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса кўшиб келаётган хотин-қизларимизни тан олиш билан бирга, буюк келажак қуриш йўлидаги улуғвор ишларидаги имкониятларидан самарали фойдаланишга интилишдир.

«Халқимиз тарихида миллат хотин-қизларини асраш, уларга ғамхўрлик қўриш, агар талаб этилса энг қимбат-қимбат жонини ҳам фидо этиш ва унинг бахт-саодати йўлида курашиш ҳақиқий эркак кишининг бурчи эканлиги тарихий поэма ва эсселардагина маълум бўлиб қолмай, балки хотин-қизлар тўғрисида қанчалик ғамхўрлик қилса-да, барибир улар олдида биз умрбод қарздор эканлигимизни унутмаслигимиз керак», дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар орзу-интилишлари билан ҳар жиҳатдан уйғун бўлиб, уларнинг жамоатчилик ва сиёсий соҳадаги фаолиятини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Айнан хотин-қизлар ташкилотни мамлакатимизнинг барча аёллари учун ижтимоий-сиёсий фаоллик, иқтидор ва қобилиятларини намоён этадиган таянч бўлиши керак. Мазкур ташкилот хотин-қизларимизни иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, касбий масалаларга йўналтиришни кучайтириш, ўзларининг сиёсий фаоллиги ю-маданий савиясини оширишга даъват этади.

Ўзбекистон хотин-қизларнинг республика конференцияси иштирокчиларига ўзининг табригини йўлаган Президентимиз Ислам Каримов, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролни юқори баҳолаган ҳолда: «Бугунги кунда сиз, муҳтарам аёлларимизнинг оилада тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишлари ва маумоларини сабр-тоқат, оқиллик билан ҳал этиш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаол қатнашаётганингизни мамнуният билан эътироф

этамиз» деди.

«Ўзбекистон касаб а уюмлари Федерациясига бирлашган касаб а уюмларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Харакат Дастури»га биноан энг нуфузли жамоат ташкилотининг устувор йўналишларидан бири этиб хотин-қизлар аҳолини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсиз меҳнат шароити, ижтимоий ҳимоя, тиббий хизмат билан таъминлаш, ижтимоий ва маданий ҳаётга қатнашиш, билим олиш, ўқитиш ва етакчилик қилиш, шахс эркинлиги ва дахлсизлиги, эркаклар билан тенг ҳуқуқлилик, оилани режалаштириш ва ҳоказолар белгиланган.

Биз гендер тенглик, яъни эркаклар ва аёлларни ижтимоий ҳимоялаш тенглиги муаммосига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Бу айни кунда дунё бўйича энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Халқаро ва ҳудудий семинар-



Дилбар ЖАХОНГИРОВА, Ўзбекистон касаб а уюмлари Федерацияси раиси, Олий Мажлис депутаты

Бунёдкорликнинг ягона сафида

ларда қатнаша бориб, Ўзбекистон касаб а уюмлари ушбу масалага алоҳида ургу бериб келмоқда. Бу аса гендер тенгликни амалга ошириш учун мамлакатимизда керакли ҳуқуқий майдон яратилганлигидан далолатдир. Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари-ни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ва Оила Кодекслари, Меҳнат қонунчилиги ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ҳимоя қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Халқаро Конвенцияга қўшилиб, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг «Оналик-ни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситилар тўғрисида»ги, «Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисида»ги Конвенцияларини ратификация қилиб, хотин-қизларга нисбатан турли чекловларни бекор қилиш сиёсатини юргизиш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Касаб а уюмларининг

ижтимоий соҳа ҳуқуқий негизини шакллантиришга эътиборни кучайтириш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузишга гендер муносабатлари нуқта-назаридан ёндашиш ҳам гендер тенглигига эришиш, аёллар ва эркакларнинг бир хил даражада ижтимоий ҳимоя қилиш имконини бермоқда.

Айтиш жоизки, касаб а уюмлари ҳаракатининг стратегик йўналиши жамоа музокараларида хотин-қизлар манфаатларини алоҳида ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлиб, биринчидан: кўпгина ташкилотларда хотин-қизлар ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг меҳнат, маънавий шарафлари, маърифий талабларини қаноатлантириш учун шарт-шароитларни яратиш масалаларини касаб а уюмлари, маҳаллий ҳокимият, иш берувчиларга тақлим бериш мақсадида жамоатчилик асосида ташкил этилган ва фаолият қўриб келаётган хотин-қизлар масалалари бўйича комиссиялар, иқтисодий: хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этаётган, қорхона ва ташкилотлардаги тенглик асосда ташкил этилаётган жамоа шартномалари лойи-

ҳаларини тайёрловчи комиссиялар орқали амалга оширилади.

Бундай ёндашув шарофати ила охириги йиллар ичида гендер асосида жамоа шартномалари ва келишувларини тузишга эътибор янада кучайди. Бу меҳнат соҳасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналар ва ҳомилалар аёллар учун ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар берилишини жорий этиш каби имтиёзлар, мактабга-ча тарбия муассасалари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳларида фарзандларимизни соғломлаштириш учун маблағ тўлаш каби тадбирларда ўз ифодасини топган. Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали аёлларнинг иш кунларини қисқартириш ёки 16 ёшга-ча болалари бўлган ишловчи аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча дам олиш кунлари бериш каби ижтимоий масалалар ҳал этилмоқда.

Мисол учун жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали Республика бўйича:

- 300 мингдан зиёд ишловчи хотин-қизлар қўшимча таътиллари олишди;
- 6 мингдан зиёд аёлларнинг туғиш-гача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари узайтирилди, бунга иш берувчилар ҳисобидан 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди;
- 18 мингга яқин кўп болали, мактабга-ча тарбия ёшидаги боласи бор ишловчи аёллар учун қисқартирилган иш кунлари жорий этилди. Уларга 171 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 66 минг

Хотин-қизларнинг кўнгилли дам олишлари учун касаб а уюмлари томонидан сезиларли ишлар қилинмоқда. Мазкур ташкилот қўллаб-қувватловчи, профлакторий, дам олиш уйларига эга. Бу масканларда хотин-қизлар нафақат ўз саломатликларини тиклаш, балки болалари билан биргаликда дам олиш имкониятига ҳам эгадирлар. Йўлланма қийматининг катта қисмини касаб а уюмлари тўламоқда. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг йўлланмалари ҳам худди шу тартибда тарқатилмоқда.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман), Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан яқиндан ҳамкорлик қилишимиз ҳаётимиз гуллариининг меҳнат соҳаси бўйича ҳуқуқларини ҳимоялашни янада яхшилаш. Бу борада ёш қизлар ва аёлларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайди. Зеро, ҳаётнинг ўзи ана шундай йўл тутиш, фаолият юритишни тақозо этмоқда. Айрим ёшлар ота-она қарамогидан чиққанларидан сўнг ҳаётини кўнжикма ва тажрибага эга бўлмаганлиги туфайли турмуш қийинчиликларида дуч келгач, тушқунликка тушиб қолишмоқда. Табиий-гача, бундай ҳолатни кутиб турган ёвуз қуллар, ярама оқимлар улардан ўзларининг қирқин мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишмоқда. Буларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон касаб а уюмлари Федерациясига бирлашган касаб а уюмларининг Харакат Дастурига «Касаб а уюмлари - аёллар - ёшлар» бўлими қиритилган бўлиб, бунда касаб а уюмлари ҳаракати ёшларни ишга жойлаштириш ва иш билан таъминлаш, ёшларнинг ўз-ўзларини банд қилишларига даъват йўли билан ёрдам бериш, кичик ва ўрта тадбиркорликда иш жойларини яратишга кўмаклашадиган ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғломлаштириш, дам олишларига йўналтирилган.

Касаб а уюмлари ҳаракатини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштирокини алоҳида таъкидлаш жоиз. Касаб а уюмларига аъзо бўлиб меҳнат жамоаларининг жўшқин ҳаётида ўз ўрнини топиб, улар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси-га салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бу аса хотин-қизларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги рол, жамиятдаги мавқеини оширишга кўмаклашмоқда.

Бугунги кунда касаб а уюмлари Федерациясини, шунингдек республика миқёсидаги касаб а уюм ташкилотларининг 29 фоизиди, ҳудудий касаб а уюмлари кенгашларининг 21 фоизиди, вилоят, туман, шаҳар миқёсидаги тармоқ касаб а уюм органларининг 25 фоизиди, бошланғич ташкилотларнинг 40 фоизиди хотин-қизлар етакчилиги қилинмоқда. Касаб а уюмларининг барча тузилмаларидаги раҳбар органларида хотин-қизларнинг муносиб иштироки таъминланган.

Ҳозирги кунда касаб а уюмлари ташкилотлари масъулиятли дамларни бошидан кечирмоқда. Бошланғич ташкилотларда ҳисобот-санолат йиғилишлари, конференциялар бўлиб ўтмоқда. Бундан сўнг барча тармоқ касаб а уюмларининг қурултойлари бўлиб ўтади. Масъулиятли мавсум Ўзбекистон касаб а уюмлари Федерациясининг Қурултойи билан ниҳояланади. Мавсумда ижтимоий ҳимоя даражасини ва ҳаётнинг барча жабҳаларида хотин-қизларнинг ролини янада юқорида кўтариш мақсадида касаб а уюм ташкилотлари раҳбарлари ичида хотин-қизлар сонини кўпайтиришга эришади деган умиддамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида айтилган Фармони ва шу асосда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори хотин-қизларимизга бўлган ҳеч қандай ҳурмат-эътибор намунаси. Зеро, бугунги кунда ўртага қўйилаётган ўта долзарб, ҳаётини масалаларнинг қай даражада амалга оширилиши хотин-қизлар фаолиятининг самарасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.


Демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда хотин-қизларимиз олдида ҳам масъулиятли вази-фалар қўйилган. Шунинг учун уларнинг нуфузини ошира бориб, ҳаётимиз гуллариининг ҳам оиладаги ҳам жамиятдаги фаоллигини юксалтиришга янги дунё кўзи билан қараш, миллий аъналлар ва диний урф-одатларга риоя қилиш, хотин-қизлар онгини заҳарлашга уринувчи қулларга қарши муроасиз курашиш, террорчилик ҳаракатларидан уларни ҳоли қилиш лозим.

Ўзбекистон касаб а уюмлари Республика Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармон ижросини таъминлаш хусусидаги чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги қарорини ҳаётга тадбиқ этишда муносиб ўрин эгаллайди.

Уларнинг асосий қучлари хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларини ўрганиш ва баҳо бериш, жамият, оила ва давлат қурилиши масалаларини ҳал этишда уларнинг ролини ошириш, хотин-қизларнинг иш билан таъминлаш бўйича қабул қилинган тадбирларда иштирок этиш, аёллар орасида тадбиркорликнинг турли шакллари ривожлантириш, соҳибаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг Халқаро касаб а уюмлари ҳаракатида, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини оширишга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, Республика касаб а уюмлари катта орзу-интилишларидан бири - бу муҳтарам аёлларимизни ҳам-

ша гўзал ва бахтли, ҳаёт-да розил ҳолда кўриш ва бу олижаноб ишга ўз муносиб ҳиссасини қўшишдан иборатдир.



УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ НУР СОЧМОҚДА

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон талаба ёшларининг «Универсиада-2004» спорт ўйинлари давом этмоқда

(Боши 1-бетда)

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига мубодил республикамизда ўн бошқили узлуқсиз таълим тизимини яратилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшларни оммавий спортга жалб этишнинг янги, мустақам учлик ҳалқасига асос солинди. Мақтаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари - ушбу зами-нинг биринчи бўлини. Иккинчи бўлин - академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ўйинлари, учинчи ҳалқа - талаба ёшларнинг «Универсиада» мусобақаларига боғланган. Янги таълим технологияси сифатида эълан қилинган бу тизим бугун қўллаб-мамул қилинган томонидан ўрганилмоқда.

«Универсиада-2004» ўйинлари тантанали очилган стадионга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг терма жамоалари кириб келди.

2000 йил Наманган шаҳрида ўтган биринчи универсиадада 1778 талаба спортнинг тўққуз тури бўйича бошланган эди. Бухорода аса (2002 йил) иштирокчилар сонини салкам олти юз нафарга кўшди. Универсиада дастурига қўшилди, кўп тули, даво-до ҳам қўшилган, спорт турлари сонини иккигага етди. Вақт ўтган сари «яқин олимпиклар» мукамиллаштириб, тақомилла-

шиб бормоқда. Бу йил иштирокчилар сонини яна 332 нафарга кўшди. Ун икки спорт тури каторига аса мининг-футбол, оғир атлетика ҳам қўшилди.

Универсиада иштирокчиларидан ташқари уч юздан зиёд мураббий, икки юзга яқин оммавий ахборот воситалари ходимлари, минглаб ишқибозлар бугун Самарқанд мекони.

«Универсиада-2004» ўйинларининг тантанали очилиш маросимини Самарқанд вилояти ҳокими М.Нурмуродов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Универсиада-2004» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Олқашлардан ларзага келган стадион бир зум тин олди. Барқининг нигоҳи қоронғиликни ёриб келаётган ёдуга қадалди. У - 400 чаккирликдан зиёд йўл босиб, мамлакатимизнинг қўллаб-қувватларидан олиб ўтилган, Чотқол ёнбағридаги «Физика-қўш» илмий ишлаб чиқариш биносининг материал-технологик институтига 2 минг 600 даражадан ортиқ қўш нурида шўла олган машъала.

«Универсиада-2004» олови ёқилди. Бу шарофати ишонч Самарқанд давлат университетини талабалари кўраш бўйича жаҳон чемпиони Фурқат Маматов ҳамда қараёта бўйича

ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Силтора Рафиевага насиб этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маданияти янтради.

Самарқанд универсиадага жиддий тайёргарлик қўрди. Мусобақаларнинг очилиш маросими ўлка-ша-моили, мазмун-моъйизи билан бетакрордир. Самарқанд давлат университетини ҳузурдаги академик лицей ва спортга ихтисослашган педидагогика коллежнинг 2100 ўринли ўқувчилари, тўртта замонавий спорт зали зиёд этилди. Уларда юзлаб ёшлар спортнинг йилгирмага яқин тури билан мунтазам шўғулланишлари мумкин. Ун беш минг то-мошабинга мўлжалланган стадион аса халқаро стандартларга тўла жа-воб беради. Сўзгидега мавзесидаги ояқ ва ёғиқ сузиш ҳавзалари, «Динамо», «Локомотив» стадионлари, университет ва институтларнинг спорт мажмуалари қайтадан таъмирланди.

Ўзбекистон қувончли кун, тую-байрамлари куй-қўшимчиси ўтмайди! «Универсиада-2004» мусобақаларининг очилиш маросимида ҳам юртимизнинг таъжиб ҳонанда ва озан-далари, раққослари иқросида катта концерт дастури намойиш этилди.

«Универсиада-2004» мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Биз бош ҳаким қабулига кирганимизда янги келган хатлар билан танишиб ўтирган экан. Салом-алиқдан сўнг конвертлардан бирини очиб кўз югуртирди-ю бизга узатди:

— Май ойда ҳордиқ чқариб, муолажа олиб кетган собик ми-жозимиздан келибди.

Мактуб эгасининг манзилгоҳига кўз югуртирдик. Хоразм вилоятининг Шовот туманида яшовчи Насим Ражабовдан экан. Хат қуйидаги мазмунда эди:

«Мен саккиз йилдан бери но-гиронга айланиб қолганим, унчини гуруҳ ногиронлиги нафақасини олардим. «Чортоқ» сихатқўчи чинакамга мўъжиза экан. Қўлтиқтабқ билан бориб, иккала оёғимда юриб жонажон жамоам қўноғига қайтдим. Бутун оиламиз номидан сизларга чекисиз миннатдорчилик билдираман.»

— Бу сингари мактубларини де-ярлик ҳар кунин олиб турибмиз, - деди бош ҳаким Юсуфжон Аминов. — Кейин улардан бир неча-сини бизга тақдим этди.

Хатларнинг бири Самарқанд-дан бўлса, иккинчиси Қашқа-дардан. Унчинчиси Тошкентдан. Хаммасида юрак қатидан чикқан миннатдорчилик туйғуларини акс этган. Бу воқеа уруш йилларида содир бўлганди. Ушанда Чортоқ атрофини девордек ўраб турган адирликлардан ҳам нефт қиди-рилари. Геологлар ҳар бағрини 1624 метргача пармалашганда нефт ўрнига қайноқ сув фавво-раси отилиб чиқди. Сувнинг тар-кибин текшириб қуриш учун К.Семашко номидида қурултоқ-гия ва физиотерапия илмий-тек-

шириш институти профессорлари-дан В.Файбушев, Т.Евсеев бош-лик гуруҳ етиб келди. Натихада сув таркибиди йод ва бошқа ўнлаб касалликларга шифо бағишловчи микроэлементлар мавжудлиги аён бўлди. Шундай қилиб 1949 йил-нинг ўрталарида бу ерда 50 ўрин-

Юртимиз сихатгоҳларида

мини ўқалаш усули ҳам кенг йўлга қўйилган.

Йўлкалар, қўчалар атрофида тур-ли-туман гуллар қўлф уриб очил-ган. Кичик шаҳарчани эслатадиган

қолаверса, бўлим шифокорлари Муҳаммадсоди Кўчқоров ва Рус-тамжон Жўраевларнинг ҳам хиз-мати катта бўлди.

Моҳирахон Эргашева, Самарқанд шаҳридан: — Аслида ўзим тиббиёт ходими-ман. Лекин сихатгоҳнинг мен ист-тикомат қилган 3-ётоқона бино-си шифокори Дилоромхон Мамат-валиева катта таасурот қолдирди. Камтар, одамнинг кўнлидагини топиб гапирадиган, ўз соҳасининг усталаридан экан.

Расулжон Толипов, Андижон вилоятидан: — Инсондаги касалликни ўқалаб даволаш қанчалик нафқ келтириш мумкинлигига шу ерда ишонч ҳосил қилдим. Олий тоифали ҳам-шира Барно Эргашева бу соҳанин-г чинакамга мутахассиси экан. Тўғри, мен сихатгоҳда маъданини сув ва электр токи муолажалари-ни ҳам олдим. Лекин тананимнинг бел қисми ва тиззаларимдаги кўп йиллик асаблардан ўқалаш усули-даги муолажадан сўнг соғайдим.

Раҳматжон Мадатов, Тошкент шаҳридан: — Сихатгоҳдаги шарт-шароитдан кўнглим тўлди. Айниқса, Раҳимжон Парлев раҳбарлигидаги ошпазлар тайёрлаган таомлар ҳар қандай но-зик таъб қилишга ҳам ёқади. Оқшомлари Маданият саройи ҳов-росида маҳаллий санъаткорлар ж-росидаги концертлар ва бошқа то-мошалар уюштирилади.

«ЧОРТОҚ» ШИФОБАХШ СУВИ

ли санаторий ташкил этилди.

Шундан кейинги давр сихатгоҳ учун чинакамга ўсиш, юксалмай йиллари бўлди, десак янглишмай-миз. Тоғлар билан беллашгудек адирликларга туташ жойда шаҳарча бунёд этилди. Бу ерда тери, суяк ва умуртқа поғонаси, ревматизм, аёллар жинсий касалликлари, бе-пуштлиқ сингари ўнлаб касаллик-ларни бартараф этишга мўлжаллан-ган санаторий қурилиб, фойдала-нишга топширилди. Кейинги йил-ларда сихатгоҳда инфаркт ва ин-сультдан кейинги тиклаш боққичи-ни ўқашиз кўзда тутилган бўлим фаолият кўрсатаётганилиги ҳам нур устига яна нур бўлди.

Беморларни даволашда тибби-ёт фани ва техникасининг энг янги ютуқларидан фойдаланилмоқда. Маъданили сув ва хоридан келти-рилган аппаратлардан ташқари про-фессор Е.Черняевский усулида қўш нурларидан фойдаланилади. Шунингдек, минерал сувли элект-ро-ванна, гавданнинг касалланган қис-

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Саволларингизга Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: Бир неча касба ёки ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга иш (меҳнат) ҳақи қандай тўланади?

К.ОРТИҚОВ, Сурхондарё вилояти ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 160-моддасига асосан, бир неча касба ёки лавозимда ишлагани, ҳизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажарилган ишлар ҳажми ортаганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифасини бажаргани учун, шунингдек, ўриндошлик асосида иш бажарилганда, яъни ходим ўзининг асосий ишини бажаришдан ташқари бўш вақтида, меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажарган ҳолатларда, ходимларга меҳнат ҳақи иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан ҳамда амалда бажарилган ишга мутаносиб равишда (миқдорда) тўланади. Ушбу қоидадан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки, айрим хол-

ларда, масалан, вақтинча ишда бўлмаган ходимнинг вазифаларини тўлиқ бажарганлик учун ходимга асосий ойлик иш ҳақининг муайян фоизлари миқдоридан устам ҳақ тўланиши, айтайлик, 30 ёки 40 фоиз миқдоридан чегараланиб қўйилиши унчалик тўри эмас.

САВОЛ: Қандай ҳолатларда ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш мумкин?

Д.ЎРИНОВ, Тошкент шаҳри ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 164-моддасида ходимларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолишнинг асослари белгилаб қўйилган бўлиб, умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкинлиги кўзда тутилган.

Қуйидаги ҳолатларда ходимнинг розилигидан қатъий-назар меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин:

- 1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар...

- 2) Суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;
- 3) Иш ҳақи ҳисобига берилган аванси, ҳизмат сафарига бориши ёки ҳужалик эҳтиёжларига ишлатиш учун берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган маблағни қайтариш учун ва ҳоказо;
- 4) Йиллик меҳнат таътилига чиққанда, аванс тариқасида тўланган таътил пулининг...

САВОЛ: Меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимнинг ўз вақтида олиб кетилмаган меҳнат дафтarchаси каерда сақланади?


Н.РАҲИМОВА, Поп тумани ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 108-моддасига мувофиқ,

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

амалда ишланмаган даврга тегишли бўлган қисминини ушлаб қолиши учун;

меҳнат шартномаси бекор қилинган кун, яъни ходимнинг охириги иш кун, иш берувчи ходимга ўзининг меҳнат дафтarchасини ва меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳақдаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

